

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi — inson
salomatligiga
erishishdir.



Высшее благо
медицины —
здоровье.

Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqqa boshlagan. E-mail: uzss @ inbox.ru № 4 (468) 2006-yil 24-30 yanvar Seshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.



— Аллергия одамни анча нохуш ахволга солиб қўяди. Бу касаллик мавсумий бўлиши ҳам мумкин. Шу боис, унинг баҳорги ёки кузги турлари билан қишки кўринишлари орасида ўзига яраша фарқлишлар бўлади, — дейди Республика Аллергология марказининг директори, профессор Озод Назаров.

СУРАТДА: О. Назаров беморга зарур тавсияларни бермоқда.

Асен НУРАТДИНОВ олган сурат.

(Ушбу марказ фаолияти ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз).

Миннатдорчилик

Одамларнинг бир-бирларига чинакам меҳр-оқибатли бўлишлари киши ҳаёти-ни янгича маъно-мазмун билан бойитиб, завқли яшашга ундашини ўз тажрибамда ўтказдим.

Умр йўлдошим вафот этиб, уч фарзанд билан қолганимда уларни вояга етказиш, тарбиялаш зиммамга оғир юк бўлиб тушгандек туюлиб, ташвиш, ғам-андухда қол-

БИР УМР ТАЪЗИМДАМАН

гандим. Лекин дунёда бағрикенг, меҳри дарё инсонлар кўп экан. Фарзандларим соғ-саломат ўсиб-ўлғайишлари, билим олишлари учун таниш-нотаниш кишилар ҳар жиҳатдан ёрдам қўлини чўзишди.

Айниқса, 13 ёшли қизим Нодира тўсатдан оғир менингит касалига чалиниб қолганида бутун маҳалла-қўй, шифокорлар оёққа туришди. Мен тушкунликка тушиб, дунё кўзимга қоронгу кўриниб юрган кезларим, Янгиободдаги 18-оилавий поликлиника шифокорлари Нигора Шермухаммедова, Галина Косарева, Марҳамат Фахриддинова, Шохиста Собирова, София Медведкова ва меҳрибон ҳамширалар ёрдамга келишди. Кейинчалик, қизимни 1-юқумли поликлиника шифохонасида даволашни давом эттиришди. Бу ердаги тиббиёт ходимларининг беминнат хизматлари тубайли нурдиддиннинг соғлиғи тикланди. Ана шундай қалби пок, тажрибали шифокорларнинг кунт-ғайратларини таърифлашга ожизман. Шифохонанинг бош врачси Бахтиёр Қодиров, шифокорлардан Мириёс Махмудов, Шоира Кўчқорова ҳамда бир-биридан қаққон ва меҳрибон ҳамшираларнинг тезкор муолажалари тубайли қизим соғайиб кетди.

Мен бағрикенг, қўли енгил, меҳрибон шифокорларга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, бир умр таъзимдаман.

Сурайё ҒУЛОМОВА,
Тошкент шаҳри.

РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР!

Яқинда тобим қочиб, Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли нефрология илмий-амалий марказида ётиб даволанишимга тўғри келди. Профессор Ботир Даминов ётақчилик қилаётган клиника шифокорлари менга зудлик билан аниқ ташхис қўйиб, муолажа ишларини бошлаб юборишди. Тез орада соғлигим қайта тикланиб, ўзимга келдим.

Шундан сўнг, бу ерда фаолият юритаётган шифокорларнинг барчаси ўз соҳасини пухта биладиган тажрибали мутахассислар эканигига амин бўлдим. Мендан ўз меҳрини дариг тутмай, жонингга малҳам бўлган шифокорлардан бўлим мудири Абдусайд Ҳасанов, Максуд Собиров, Шерали Топшўлатов, Эркин Хотамов, Бурхон Минавваров, ҳамширалардан Шоҳида Искандарова, Камола Эргашева, Ниҳуфар Аҳмадова ва бошқа ўз касбининг фидойиси бўлган нажоткорларимга сеvimли нашрим бўлган "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Дравоохранение Узбекистана" газетаси орқали миннатдорчилик билдиришга жазм этдим. Даволанувчилар хурматини қозongan мазкур шифо масканида чиндан ҳам беморлар учун барча шароитлар яратиб қўйилган. Энг муҳими, даволанувчилар билан самимий, қадрдонлардек ҳушмуомала, ширинсуханлик билан муносабатда бўлиш бу ердаги оддий тиббиёт бекаси, ҳамшираю, барча шифокорларнинг асосий широрига айланиб қолгани, бир бемор сифатида мени ниҳоятда қувонтирди.

Фурсатдан фойдаланиб, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да мазкур бўлим жамоасига самимий тилакларимни баён қилар эканман, ҳамиса эзгу ишларингизда омад ёр бўлиб, мартабаларингиз бундан ҳам баянд бўлишини, энг муҳими бахтимизга соғ-омон юришингизни Яратгандан сўраб қоламан.

Эркин ТўЛАГАНОВ,
меҳнат фахрийси.
Тошкент шаҳри.

Жараён

ТЕЗКОР ЗАМОН НАҲАСИ БИЛАН

XXI асрни ҳақли равишда «Ахборот технологиялари асри» деб бежизга айтишмайди. Чунки, йиллар ўтган сари инсоният онги ҳам тобора такомиллашиб, ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига хизмат қиладиган оламшумул ангилликлар, ихтиролар яратишга мойиллик сезади. Ҳаёт — ривожланишдан иборат. Уни ҳеч қачон ортга қайтариш ёки бутунлай ўзгартириш билан айтарили мақсадга эришиш амри маҳол. Бунинг учун инсон ҳар тамонлама ақл-заковатли, салоҳият бобид яратувчан бўла олсагина, маълум маънода ривожланиш погоналаридан нишона бўлади. Атрофга разм солсангиз, даврнинг бугунги қиёфаси ўзгача. Ҳар соҳада ўсиш, юксакларга интилиш нафасини дарҳол сезиш мумкин. Айниқса, инсон қўл меҳнатини енгиллаштирувчи замонавий технологияларнинг мамлакатимиз ҳаётига оқар сувдек кириб келиши турли жабҳаларда мисли кўрилмаган ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу борада муайян амалий ишлар ўз самарасини бериб, ёшларимизнинг ахборот коммуникация технологияларига бўлган қизиқиши ва иштиёқларини тобора қуяйтирди.

Айниқса, дунёвий билимларни библиш ва ўзлаштириш, фикр алмашиш бораида турли ахборот тарқатиш технологияларининг қулайлиги, айни пайтда тезкорлиги билан кўнгина ишларнинг салмоғини енгиллаштиришга хизмат қилади. Яна бир жиҳати шундаки, бугунги кунда ахборот ҳамда керакли маълумотларни сақлаш, ўз вақтида улардан унумли фойдаланиш ва узатишда интернет тармоқларининг фаолиятга кириб келиши ҳам бундан мустасно эмас.

Ана шу мақсадлар йўлида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот Агентлигининг мажлислар залида юқоридаги мавзуга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот Агентлиги, «UzInfoCom» Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш маркази, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мутасадди раҳбарлари ҳамда мамлакатимизда чоп этилаётган босма оммавий нашрларнинг бир қатор муҳаррирлари иштирок этдилар. Йиғилиши Ўзбекистон Матбуот ва ахборот Агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Уткир Жураев кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва унинг жамиятдаги маъқеи учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ахборот коммуникация технологияларининг муҳим аҳамияти борлигини, бу жараёнда журналист катта таърибга эга бўлиши, тезкор ахборотларни тўғри талкин қилган ҳолда кенг ҳалқ оmmasига етказиш лозимлиги, хорижий давлатларга веб-сайтлар орқали узатишда хато ва камчиликларга йўл қўймасликларини алоҳида таъ-

кидлади. Алоқа ва Ахборотлаштириш агентлиги Бош директор ўринбосари Асадбек Ҳўжаев ва «UzInfoCom» Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш маркази директори Жалолиддин Раҳимовлар ҳам сўзга чиқиб, ҳозирги замонавий технологияларнинг босма оммавий ахборот воситалари фаолиятида муҳим омил касб этишини ва улардан оқилонда фойдаланиш йўллари ҳамда имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Ешларимиз онгида, заманимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбида шу юрт, шу халқ билан фахрланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш ҳислари чуқур илдириш оғмига лозим. Улар бугун шиддат билан ривожланиш бораётган замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет имкониятларидан бемалол фойдалана оладиган гурури баянд, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод бўлиб етишишлари зарур», эканлиги шу куннинг воқелигига айланганлигини далolat бериб турибди, десак муболага бўлмайди.

Фахр билан айтиш мумкин-ки, қўлбал ташкилотларда веб-сайтларнинг очилганлиги фуқароларнинг эҳтиёжлари учун, яъни назарий ва амалий фаолиятларида қўл келатганлиги аксарият ишларимизга енгиллик киритмоқда. Тадбир сўнгида иштирокчилар сўз билан, ўз ташкилотларида ахборот коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланаётганликлари ва бу борада айрим камчиликлар борлигини таъкидлаб, мутасадди раҳбарларга керакли саволлар билан муружаат этишди.

Зеро, шундай тезкор замонада яшаётган эканмиз, ҳар бир журналист ўз иқтидори, таърибаси ҳамда инсонийлик фазилатларига эга бўлиши керак. Шунинг билан бир қаторда, улар дунёвий воқеликларни, юз бораётган янгилик ва ҳодисаларни ҳолисона баҳолаш олган ҳолда юртимизнинг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ичра нуфузи қай даражада эканлигини ўз фаолиятлари давомида кўрсата олсаларгина, юқорида тилга олинган фикрлар муҳассамлиги ўз ифодасини топишга шубҳа йўқ.

Ибодат СОАТОВА.

РЕКЛАМА VA E'LONLAR: TEL.: 133-13-22, 133-57-73.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига ШАРҲЛАР

Муастакиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишни тақомиллаштириш масалалари мамлакатимизнинг ижтимоий сифатини амалга оширишдаги марказий ўринлардан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармонида асосан тиббий ёрдам сифатини ошириш учун ташкилий ва амалий шароитлар яратиш, тиббиёт ходимлари маъқулини ошириш, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини тақомиллаштириш каби асосий йўналишларини ўз ичига олган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг узоқ муддатли давлат дастури қабул қилинди.

Охириги йилларда ходимлар меҳнатини рағбатлантириш асосан уларнинг хар доимги одайтиш ҳақини ошириш йўли билан амалга оширилган. Жумладан, фақат 2005 йилда тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари ўртача 1,6 мартага оширилди, бу эса маҳоратдан молиялаштирилувчи бошқа тармоқларда иш ҳақи ошиши даражасига нисбатан сезиларли кўрсаткич.

Шу билан бирга, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини ташкил этишда тиббиёт ходимларининг малакаси, ўқуви, кўникмаси, ташаббускорлиги ҳамда касб маҳоратига бўлган талабнинг кучайганлиги, ходимлар меҳнатининг мураккаблиги ва тиббий ёрдам сифати каби кўрсаткичларнинг аниқ ва тўғридан-тўғри боғлиқлик механизмига етарли даражада эътибор қаратилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сонли “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва кўйидаги устувор вазифалари белгиланган:

турли тоифадаги тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси ва миқдорини белгилашда ходимлар меҳнатининг мураккаблиги, масъулият ва жавобгарлик даражаси, иш жараёнининг давомийлиги, ходимлар малакасининг даражаси ва кўрсатилётган тиббий ёрдам сифатига қараб табақаллаштиришга эришиш;

Ўз ишига садоқатли, юқори малакали, аҳолига мураккаб, замонавий диагностика ва тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ва шу билан бирга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатувчи врач ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш; врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг асосий шакллари билан бир қаторда беморларни даволаш натижалари, иш стажи, ҳамда тиббиёт ходимлари касбий даражасини оширишни рағбатлантирувчи ҳамда даволаш жараёнига уларнинг шахсий ҳиссасини инобатга олувчи қўшимча тўлов шакллари жорий этиш;

тиббий ходимлар меҳнатига ҳолис баҳо бериш ва рағбатлантиришда тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқ ва жавобгарликларини янада ошириш; ҳукуматнинг айнан 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Вазирлар Маъкамасининг мазкур қарорига асосан тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимига 11 разряддан иборат тариф сеткаси киритилмоқда.

Ўз навбатида, энг қуйи ва энг юқори разрядлар (ставкалар) ўртасидаги фарқ амалдаги 2,16 дан 2,67 мартагача, яъни деярли 25 фоизга оширилади. Бу ходимлар томонидан кўрсатилётган тиббий хизматнинг иш ҳажми, мураккаблик даражаси ва масъулиятини инобатга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни табақаллаштиришни таъминлайди.

Разрядлар ўртасида интервални 8 разряддан бошлаб оширилиши биринчи навбатда врач ходимларнинг профессионал даражасини рағбатлантиришга қаратилган, чунки 8-10 разрядлар врач ходимларнинг асосий қисмини қамраб олади.

Шу билан бирга ҳар бир ходимнинг лавозими бўйича кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг мураккаблиги, иш суръатининг даражаси ва иш ҳажми миқдорига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг табақаллаштирилишини таъминлаш мақсадида тиббиёт муассасаларининг 4 та гуруҳи ва улар ўртасида базавий разрядга нисбатан ўзгартирувчи коэффициент белгиланган. Бунда ўзгартирувчи коэффи-

циентлар кўйидагича ўрнатилган: I гуруҳ — амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология нazorати хизматлари — 1,00;

II гуруҳ — умумий йўналишдаги стационар тиббиёт муассасалари — 1,03;

III гуруҳ — ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари — 1,05;

IV гуруҳ — шовшинч тиббий ёрдам марказлари, тез тиббий ёрдам станциялари — 1,15.

Тиббиёт ва фармацевтик ходимларнинг тариф ставкалари тақомиллаштирилган тариф сеткаси асосида амалдаги энг кам иш ҳақи миқдорини тариф сеткасининг тегишли разряднинг тариф коэффициенти ва тиббиёт муассасасининг гуруҳига қараб ўзгартирувчи коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

Тақомиллаштирилган тариф сеткасининг амалга киритилиши ходимлар мансаб-маошлари миқдорининг камайишига йўл қўймайди.

Ўз навбатида тиббиёт муассасалари раҳбарларининг меҳнатига ҳақ тўлаш муассасалар турларига қараб табақаллаштирилган. Шу мақсадда муассасалар станционар тиббиёт муассасалари учун даволанган беморлар сонига қараб ва қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар учун уларга бириктирилган аҳоли сонига қараб гуруҳлаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тариф сеткасига ўттиш тиббиёт ходимларининг иш ҳақларига устама ва қўшимчаларни ҳисобга олманган ҳолда 40 фоизгача ошишини таъминлайди.

Тиббиёт ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимининг муҳим элементларидан бири этиб базавий тариф ставкаларига қўшимчалар белгиланмоқда. Шу муносабат билан амалдаги ўта оғир ва соғлиқ учун зарарли меҳнат шароитида ишлаганлик учун бериладиган қўшимчалар сақланиб, сил касалликлари муассасалари, анестезиология ва реанимация бўлимлари, рентген ва радиология бўлимлари ҳамда лабораториялар ходимлари учун қўшимчалар миқдори 15 фоиздан 25 фоизгача, паталогоанатомия бюrolари ходимлари учун эса 25 фоиздан 35 фоизгача оширилмоқда.

Шу билан бирга кўйидаги қўшимчалар сақланиб қолмоқда: тариф ставкаларига асосан фақат врач ва тиббиёт ҳамшира-

лари иш ҳақларини олувчи врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларига таркибий бўлинмаларни бошқарганлиги учун энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 70 фоизгача;

врач ва ўрта тиббиёт раҳбар ходимларга малака тоифаларига эга бўлганлиги учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизидан 50 фоизгача;

илмий унвонга ва “Хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвонига эгаллиги учун энг кам иш ҳақининг 45 фоизидан 70 фоизгача.

Шу билан бирга тиббиёт муассасаларининг янги технологиялар билан жиҳозланганлигининг ўсиб бораётганини инобатга олиб ва даволаш жараёнида диагностика асбоб-ускуналаридан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида кўйидаги қўшимчалар киритилапти:

врачларга тариф ставкасининг 25 фоизи миқдоридан;

ўрта тиббиёт ходимлари учун тариф ставкасининг 15 фоизи миқдоридан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида, тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда иш ҳақига устама-ларнинг юқори малакали, виждонли ва ўз ишига садоқатли ходимларни рағбатлантиришдаги ўрнини кучайтириш мақсадида кўйидаги тадбирлар режалаштирилмоқда.

Биринчидан, барча соғлиқни сақлаш муассасаларининг врачлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ҳамда фармацевтик ходимларига узлуксиз иш стажига эгаллиги учун иш стажига қараб кўйидаги устамалар киритилмоқда:

5 йилдан 10 йилгача тариф ставкасининг 5 фоизи;

10 йилдан 15 йилгача тариф ставкасининг 10 фоизи;

15 йилдан 20 йилгача тариф ставкасининг 15 фоизи;

20 йилдан ошмиш иш стажига эга бўлган ходимлар учун тариф ставкасининг 20 фоизи миқдоридан.

Иккинчидан, иш юкломасининг суръати ва кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кечиктириб бўлмаслик омилдан ҳамда тез ёрдам ходимлари учун устама маошларига нисбатан 30 фоизгача устама киритиш тақлиф этилмоқда.

Учинчидан, кўйидаги ходимлар учун амалдаги узлуксиз иш

стажига эгаллиги учун устамаларнинг максимал миқдорини оширилмоқда:

қишлоқ врачлик пунктлари шифокорларига 40 фоиздан 50 фоизгача;

участка терапевтлари, педиатрлари ва тиббиёт ҳамширалари ҳамда поликлиникаларнинг терапия ва педиатрия бўлинмалари мудирига 30 фоиздан 40 фоизгача.

Ва ниҳоят туртинчидан, ҳар бир тиббиёт муассасасида янги тузилаётган Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасидан ўз касбига виждонан ёндашууда бўлганлик ва юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатганлик учун ходимларнинг тариф ставкаларига нисбатан махсус устамалар киритилмоқда. Бундан ташқари жамғарма маблағлари икки ойлик маош миқдоридан ил давомидаги мукофотлар ва моддий ёрдам тўловлари, ҳамда муассасаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун сарфланади.

Мазкур жамғарма маблағларининг шаклланиш манбалари этиб кўйидагилар белгиланмоқда:

тиббиёт муассасаси учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар умумий ҳажмининг 5 фоизгача бўлган қисми;

ҳомий ташкилотлардан, шунингдек пуллик даволаш ва хизматлардан тушадиган маблағлар;

шталлар сони ва ётоқлар фонди харажатларини тартибга солиш ҳисобига иқтисод қилинган маблағлар.

Юқорида зикр этилган жамғарма ҳисобидан ҳар бир тиббиёт муассасаларида тузиладиган махсус комиссиялар қарорига асосан ўрнатилган кўрсаткичларга уларнинг лавозимлари ва тиббиёт муассасаларининг гуруҳларига қараб тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизгача миқдорда устама туланади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимига ўттиш натижасида уларнинг иш ҳақи миқдори соғлиқни сақлаш тизими бўйича ўртача 1,3 баробарга ошди.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2005 йил 17 ноябрдаги 12-сон мажлис қарорига асосан:

Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг амал қилиши тугатилган сана
«BORINISSA» тижорат корхонаси. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, П. Юсупов кўчаси, 32-уй, 14-хонадон	3208-тиб.	2002 йил 12 декабрда	2002 йил 17 ноябрдан

Азиз шифокорлар, ҳамширалар, эбдилар ва барча муштарийлар эътиборига!
Тиббиётдаги янгиликлар билан қадам-қадам одамлашингизда

ОБУНА – 2006
Сизга мааад бўлишни ўз олаига мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение

«Ўзбекистанга» газетасига 2006 йилнинг кейинги ойлари учун обуна узлуксиз давом этади. Бунинг учун! Нашр индексимиз: 128.



Ҳаёт учун кураш...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли
Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган
тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорини амалга ошириш юзасидан

САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

Савол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ 2006 йил 1 январдан бошлаб жорий этиладиган тизим билан соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ўртасида қандай жиҳдий фарқлар мавжуд?

Жавоб: Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизими амалий жиҳатдан соғлиқни сақлаш муассасалари хусусиятларига боғлиқ ҳолда иш ҳақини белгилаш масалаларини амалда ҳис этмас эди.

Соғлиқни сақлаш тизимида биринчи марта ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш врач мутахассислар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака ва хизматлари мураккаблигига қараб ташкилотнинг бажараётган иши, унинг соҳадаги ўрни билан ўзроқ мувофиқлаштирилди. Соғлиқни сақлаш хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича Тақомиллаштирилган тариф сеткеси (ТТС) қабул қилинди.

Тиббиёт муассасаларининг қуввати ва ўзига хослигига қараб ташкилотларнинг турт гуруҳи ташкил этилди ҳамда ҳар бир гуруҳга тўзатиш коэффициенти белгилаштирилди.

Савол: Соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткеси (ТТС) бюджет ташкилотлари ходимлари учун қўлланиладиган ягона тариф сеткеси билан тақомиллаштирилган тариф сеткеси ўртасида қандай фарқ бор?

Жавоб: Тиббиёт ходимлари учун белгиланган тақомиллаштирилган тариф сеткесида тиббиёт ходимларининг, айниқса малака тоифасига эга мутахассисларнинг базавий тариф ставкаларини кўпайтириш мақсадида тариф коэффициентлари ўзгартирилди.

Савол: Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкалари қандай белгиланади?

Жавоб: Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тариф ставкалари тариф сеткеси асосида иш ҳақининг белгиланган энг кам ойлик миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тегишли гуруҳларга киритилган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари учун белгиланган тариф сеткесининг тегишли разряди тариф коэффициентига ва тўзатиш коэффициентига кўпайтириши йўли билан белгиланади.

Савол: Раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ташкилот турлари қандай белгиланади?

Жавоб: Раҳбарлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари турлари ҳамда разрядлар ва тариф коэффициентлари Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирликлари билан келишилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган «Раҳбар ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тиббиёт муассасалари типини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом» билан белгиланади.

Савол: 2006 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинадиган янги тариф сеткеси соғлиқни сақлаш муассасаларининг иккинчи даражали

ҳодимларига (ишчи ва хизматчиларига) ҳам татбиқ этилади?

Жавоб: Соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий ихтисосликка тегишли бўлмаган, даволаш, ташхис ва профилактика фаолиятини амалга оширмайдиган ёрдамчи бўлинмалари (бўлимлари)нинг (бухгалтерия, иқтисодий бўлимлар, кадрлар бўлими, муҳандислик иншоотлари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль кўйиш жойи ва бошқалар) раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткеси асосида амалга оширилади.

Савол: Зарарли меҳнат шaroитлари муносабати билан соғлиқни сақлаш муассасалари хизматчиларининг қайси тоифалари учун маошлар ҳозир амал қилаётганига нисбатан оширилди.

Жавоб: 2006 йил 1 январдан бошлаб кўйиладиган устамалар миқдори оширилди:

неонатолог врачлар, нейро-, кардио-, микрохирурглар, шунингдек сил, анестезиология, реанимация, интенсив терапия, рентген ва радиология бўлимларининг тиббиёт ходимлари ҳамда иши юкумли касалликларнинг жонли кўзгатувчилари ва вируслар билан боғлиқ лабораториялар тиббиёт ходимлари учун – ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорда, врач-патологоанатомлар учун ойлик иш ҳақининг 35 фоизи миқдорда оширилди.

Савол: Нималар тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг шакллантириш манбалари ҳисобланади?

Жавоб: Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари кўйиладиган:

- тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий миқдорининг 5 фоизига;

- ҳомий, донор ташкилотлардан, шунингдек пуллик давонлиш ва хизматлардан тушадиган маблағлар;

- тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган, шифо ўринлари ва штарларни қайта кўриб чиқиш ҳисобига маблағлардан иқтисод қилинган бюджет маблағлари.

Савол: Жамғарма маблағларини сарфлаш қандай амалга оширилади?

Жавоб: Ҳар бир тиббиёт муассасасида тузилган махсус комиссиялар қарорига мувофиқ тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун;

муассаса фойда ва харажатлари сметаларидан келиб чиққан ҳолда моддий-техник базаларни, муассасаларини замонавийлаштириш ва таъмирлаш ишларини ривожлантириш учун сарфлаш амалга оширилади.

Савол: Муассаса гуруҳлари бўйича тиббиёт ходимлари учун янги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари жорий қилиниши муносабати билан боғлиқ оялик иш ҳақи қанча фойза ошади.

Жавоб: Муассаса гуруҳларига кўра тиббиёт ходимлари учун янги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари жорий қилиниши муносабати билан оялик иш ҳақи ўртача 1,3 марта ошади, шу жумладан:

I. Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология назорати марказлари

Ҳозирги вақтда қишлоқ врачлик пункти врачлари учун 44336 сўм тариф ставкаси белгиланган, унга зулуксиз иш стажини ўртача 20%) 8867 сўм устам, агарда илмий даражаси бўлса 4230 сўм қўшимча ҳақ тўлаш белгиланган – иш ҳақининг жами ойига 57445 сўмни ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг жорий қилинаётган шартларини ҳисобга олган ҳолда умумий амалиёт врачлари агарда белгиланган малака ошириш тизимини ўтаган ҳолда олий тоифага эга бўлса унинг ўртача иш ҳақи 89330 сўмни ташкил этади, бунда ўртача ўсиш 1,6 баробарни ташкил этади.

Участка терапевти учун ўсиш ўртача 1,4 баробарини, қишлоқ врачлик пункти акушери учун – ўртача 1,5 марта, участка ҳамшираси учун эса – ўртача 1,3 баробаргача ташкил этади.

II. Умумий ихтисослиқ стационар тиббиёт муассасалари

Мисол учун 1-тоифали врач-хирург учун ойлик иш ҳақи ўртача 45728 сўм белгиланган, жорий қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда эса у ўртача 75014 сўмни ташкил этади, бунда ўсиш ўртача 1,6 баробарни ташкил этади. Врач-мутахассиснинг ойлик ўртача иш ҳақи ўртача 1,5 баробарга ошади ҳамда 67051 сўмни ташкил қилади.

1-тоифали операция ҳамширалари учун ойлик ўртача иш ҳақи ўртача 49136 сўмгача ошади ҳамда бу 1,5 баробар ўсишни ташкил этади.

Жорий қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини қайд этган ҳолда 1-тоифали ҳамшираларининг ойлик ўртача иш ҳақи ўртача 1,4 баробарини, санитар-каларники эса ўртача 1,3 баробаргача ортади.

III. Ихтисослаштирилган стационар муассасалари

Амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ 1-тоифали врач-психиатрининг ойлик иш ҳақи ўртача 52952 сўмни ташкил этади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларини ҳисобга олганда эса у ўртача 82346 сўмни ташкил этади, бунда ўсиш ўртача 1,5 баробарни ташкил этади. Психиатрик шифохоналар ҳамшираларининг ўртача иш ҳақи ўртача олганда 1,4 баробаргача ортади.

1-тоифали врач-физиклар учун ойлик ўртача иш ҳақининг ўсиши ўртача 1,6 баробарни ташкил этади. Сил касалликлари муассасалари ҳамшираларининг ойлик ўртача иш ҳақлари ўртача 1,5 баробарга ошади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг кичик тиббиёт ходимлари учун ойлик ўртача иш ҳақининг ўсиши ўртача 1,3 баробарни ташкил этади.

IV. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари

1-тоифали шошилинч ёрдам врач-хирург илмий даражаси мавжудлиги ҳисобга олинса ўртача 59742 сўм маош олади. Жорий қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари муносабати билан ойлик ўртача иш ҳақи ўртача 100112 сўмни ташкил этади, ўсиш эса ўртача 1,6 баробарни ташкил этади.

1-тоифали тез ёрдам врач-мутахассиси илмий даражаси мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда 50628 сўм маош белгиланган

бўлса, жорий қилинадиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари муносабати билан ойлик ўртача иш ҳақи ўртача 90298 сўмни ташкил этади, ўсиш эса ўртача 1,45 марта ташкил этади.

1-тоифали тез ёрдам катта фельдшери учун ўсиш ўртача 1,3 баробарни ташкил этади, 1-тоифали шошилинч ёрдам операция ҳамширалари учун эса ўсиш ўртача 1,4 марта ташкил этади.

Савол: Мутахассислигига кўра зулуксиз иш стажини ҳисоблаб чиқаришда муассасаларнинг тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши билан боғлиқ ҳолда фарзданга қараш юзасидан таътилдиган даврини ҳисоблаб чиқаришнинг ҳар доим ҳам имкони бўлавермайди. Бу қандай амалга оширилади?

Жавоб: Бунинг учун муассасаларнинг тугатилиши (қайта ташкил этилиши) тўғрисида ҳужжатлари тақдим қилиш зарур. Фарзданга қараш юзасидан таътилдаги зулуксиз иш стажини ҳисоблаб чиқиш 2006 йил 1 январь ҳолатига ҳисобга олинади.

Савол: Мутахассислигига кўра иш стажига интернатура киритиладими?

Жавоб: Йўқ.

Савол: Агар врач-терапевт бўлиб 10 йил хизмат қилиб, кейин эса врач-нарколог лавозимига ишлаган бўлса, зулуксиз стаж қандай ҳисоблаб чиқарилади?

Жавоб: Мутахассислигига кўра иш стажини аниқлайдиган ҳужжат меҳнат дафтарчаси ҳисобланади.

Савол: Реанимация ва интенсив терапия ҳамшираларининг ойлик иш ҳақи қандай тўланади?

Жавоб: Ишдаги мураккаблик ва интенсивлик учун реанимация ва интенсив терапия ҳамшираларининг ойлик иш ҳақи операция ҳамшираларининг меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига тенглаштирилган.

Савол: Касалхона ичкарисидаги дорихона ходимлари учун зарарли меҳнат шароити сабабли қўшимча тўловлар белгиланганми?

Жавоб: Касалхона ичкарисидаги дорихоналар иши тариф ставкаларига қўшимча тўлов белгиланган ҳуқуқини брадиган бўлинмалар рўйхатига кирмайди.

Савол: Ҳозирги вақтда амал қиладиган қўлланмалар поликлиника врач-терапевтларининг зулуксиз иш стажлари учун устамга қўзда тутилган. Ушбу устамга сакланиб қолдими?

Жавоб: Ҳа сакланиб қолди, 2006 йил 1 январдан бошлаб илгари амал қилган 30 фойз ўрига ушбу устамнинг энг кўп миқдори 40 фойз қилиб белгиланди.

Савол: Ойлик иш ҳақи устамига кўра умумий амалиёт врачини қайси мутахассислик тоифасига киритса бўлади?

Жавоб: Умумий амалиёт врачига ҳақ тўлаш агарда у амалдаги қоидаларга кўра малака ошириш курсларига билим олиб, махсус ҳужжат тақдим этган ҳолда, унинг иш ҳақи қарорининг 2-килоса, 3-бўлим, 10-бандининг 2-килосига мувофиқ белгиланади.

Савол: Зулуксиз стаж бир муассасада ишлаганилик, умумий тиббий стаж ёки мутахассислиги бўйича ҳисобланадими?

Жавоб: Фақат тиббий мутахассислиги бўйича стаж ҳисобга олинади.

Савол: Агар участка врач диплом олгунга қадар участка ҳамшираси бўлиб ишлаган бўлса, иш стажини ҳисобга олинадими?

Жавоб: Мутахассислигига кўра иш стажини аниқлайдиган ҳужжат меҳнат дафтарчаси ҳисобланади.

Савол: Муассаса раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш қандай амалга оширилади?

Жавоб: Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек бош тиббиёт ҳамширалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткеси асосида разряд соғлиқни сақлаш муассасасининг турига қараб табақалаштирилади.

Савол: Диспансери бўлган болалар психоневрологик санаториялари қайси муассаса гуруҳларига мансуб?

Жавоб: Диспансери бўлган болалар психоневрологик санаториялари учинчи гуруҳга мансубдир.

Савол: Агар штат нормативларига кўра тўлиқсиз (яъни 0,5, 0,75) ставка жорий қилинса, устам зулуксиз иш стажини 0,5, 0,75 ставкаларига ҳам татбиқ этилади?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Зулуксиз иш учун устам қандай қилиб белгиланади – зарарли бўлган учун қўшимча тўлов ҳисобиданми ёки йўқми?

Жавоб: Ходимлар тариф ставкаларига устамалар ва қўшимча тўловлар миқдори тариф ставкаларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Зулуксиз иш стажини устамга бошқа қўшимча тўловлар тариф сеткеси бўйича лавозим маошдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Савол: Касб ва лавозим кўшиб олиб борилганда тўлов қандай амалга оширилади?

Жавоб: Тақомиллашган тариф сеткалари жорий қилиниши билан бир йўла ҳам касбини, ҳам лавозимини бирга қўшиб олиб боришнинг амалдаги тартиби бекор қилинмайди.

Савол: Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шартонома шакли сакланиб қоладими?

Жавоб: Тақомиллаштирилган тариф сеткеси жорий қилиниши билан меҳнатни ташкил қилишнинг амалдаги тартиби бекор қилинмайди.

Савол: Лавозимлар кўшиб олиб борилганда илмий даража учун қўшимча тўлов ҳисобга олинадими?

Жавоб: Ходимга илмий даража учун қўшимча тўлов асосий маош бўйича белгиланади.

Савол: Маслаҳат берганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш қайси тариф ставкаларида амалга оширилади?

Жавоб: Маслаҳат берганлиги учун мутахассис врачлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш қўйидаги врач тариф ставкалари – мутахассислиги бўйича амалга оширилади.

профессор, тиббиёт фанлари номзодига – тариф ставкаларининг 3 фоизи миқдорида; доцент, тиббиёт фанлари номзодига – тариф ставкаларининг 2 фоизи миқдорида; илмий даражага эга бўлмаган врачга – тариф ставкаларининг 1 фоизи миқдорида.

Азиз муштарий! Сизда шу мавзу бўйича саволлар туғилса Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўйидаги телефонларига мурожаат қилинг: (8-371) 144-10-08, 144-15-81.

Мутахассис оғохлантиради

БОТУЛИЗМ
КАСАЛЛИГИДАН
ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёз фаслининг айни пишиқчилик даврида уй бекалари турли хилдаги мева ва сабзавотлардан қиш ва баҳор ойларида ҳам баҳраманд бўлиш ниятида консерва маҳсулотлари тайёрлайдилар. Ушбу маъсулиятчи юмушнинг технологик жараёни ҳамма уй бекалари ҳам тўғри баҳаравермайди, натижада, онла аъзолари ботулизм касаллигидан азият чекадилар.

Ботулизм касаллиги – бу оғир кечадиган оқват токсикоинфекцияси ҳисобланиб, беморнинг марказий асаб тизими зарарланиши билан кечади. Касаллик ботулизм таъқчалари токсини билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилгандан сўнг 2 соатдан 15 кунгача бўлган давр мобайнида ҳолсизланиш, кўз олди хираланиши, нарсаларнинг иккита бўлиб кўриниши, ютиниш, нафас олишнинг қийинлашиши ва юрак қон-томир тизимидаги бузилишлар билан бошланади.

Ботулизм таъқчалари консерва тайёрлаш даврида яхши ювилмаган мева ва сабзавотлар ишлатилганда, ош тузи кам солинганда, уксус эссенцияси 3 фоиздан кам қўшилганда, шиша банкалари ҳаво кирмайдиган қилиб беркитилганда ва қайнатиб зарарсизлан-тирилганда ўзидан ўта кучли захар (токсин) ажратди. Бундай консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш натижа-сида айтаётганимиздек ботулизм касаллиги келиб чиқади. Юқорида кўрсатилган касаллик белгилари пайдо бўлган пайтда бемор ўз вақтида тиббиёт ходимига мурожаат қилмаса, қон-томир, нафас олиш тизими етишмовчилиги натижасида ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Шунинг учун маҳсулотларини консервлалашда уларга етарли даражада иссиқ ишлов бериш, тозаллаб ювиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу муолажаларни тўлиқ ва сифати бажариш йўли билангина узингизни ва яқинларингизни ботулизм касаллигидан сақлашнинг мумкин.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходимлари ботулизм касаллигидан сақланиш учун куйидаги кўрсатмаларни бажаришни таъкиф этади:

* бозор ва савдо дўконларидан (этикетка) ёрлиқлари бўлмаган консерва маҳсулотларини харид қилмаслик;

* номаълум кишилар томонидан тайёрланган сифати ва ҳавфсизлигига қанолат берувчи ҳужжати (сертификати) бўлмаган консерва маҳсулотларини харид қилмаслик;

* мева ва сабзавотлардан тайёрланган консерва банкаларини очидан олдин уни чайқамасдан яхшилаб кўздан кечириш, яъни банкадаги суоқликнинг тинқилигига, маҳсулотнинг эзилмаганлигига эътибор бериш;

* консерва банканинг қопқоғи кўтарилганлигига, очилиб кетганлигига, маҳсулотнинг таъмига эътибор бериши ва ушбу кўрсатмалардан бироқ таси тўғри келмаса бундай маҳсулотни истеъмол қилмаслик;

* ўзингизда ҳолсизланиш, бўлашувнинг қийинлашуви, кўриш қобилиятининг бузилиши, нафас олишнинг қийинлашуви, ҳаракатланишдаги ўзгаришлар, юрак қон-томир тизимидаги бузилишлар каби касаллик белгиларини сезишингиз билан шифокорга мурожаат қилинг.

Ж. ЗИЕВИДДИНОВ,

Республика Давлат

санитария-эпидемиология назорати маркази, оқватланиш гигиенаси бўлими санитария врачси.

ЭЗГУ МАКСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олий ва ўрта тиббий таълим бўйича ўқув-усlubий идораси ходимлари «Сихат-саломатлик йили»да республикадаги фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда тиббиёт коллежаларининг ўқув-усlubий, маънавий-маърифий фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кўплаб ишларни амалга оширдилар. Ушбу фаолиятлар бўйича ўқув-усlubий идора директори Теша Саидовнинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури тўғрисида қарори қабул қилиниши муносабати билан уни амалга ошириш борасидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Дастурда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал қилиш билан бир қаторда, тиббий таълимни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Асосан, таълимнинг сифатини белгилوовчи асосий ҳужжатлар: мавжуд давлат таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув дастурларини «Сихат-саломатлик йили» дастури асосида қайта кўриб чиқиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш, фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликларни лотин алифбоси ёзувига ўгириш, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ҳамда жорий этиш, (мультимедияли электрон дарсликлар, электрон маърузалар матнлари ва х. к.), масофавий ўқитиш ишларини жадаллаштириш – тиббий таълимнинг долзарб масалалари борасида мўайян ишларни амалга оширдик.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Сихат-саломатлик йили»га бағишланган 2005 йил 11 февралдаги 53-сонли буйруғи ҳамда 2005 йил 10 майдаги «Фармацевтика ва тиббиёт институтлари 1-курс талабаларини лотин алифбосидаги дарсликлар билан таъминлаш тўғрисида»ги 210-сонли буйруғини бажариш борасида идора томонидан самарали ишлар олиб борилди. Фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртларида электрон дарсликлар яратиш ҳолати ўрганилди ҳамда «Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлар раёсати» билан келишилган ҳолда, уларни яратиш истиқбол режаси тасдиқланди. Фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртларида биринчи курсда ўзбек тилида ўқитилганда фанлар бўйича дарсликлар лотин графикасида чоп этилиб, тиббиёт олий ўқув юртлари «Одам анатомияси», «Биология ва тиббиёт генетикаси», «Гистология», «Стоматологик асбоб ва ашёлар», «Тиббий ва биологик физика», «Тиббиёт тарихи», «Биоанорганик ва физколлоид кимё», «Информатика ва информатсион технологиялар», «Лотин тили», «Инглиз тили», «Немис тили» каби дарслик ва ўқув қўланмалари билан таъминланди.

Тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежалари профессор-ўқитувчилари томонидан олий ва ўрта тиббий таълимнинг давлат стандартлари, ўқув режа ва дастурлари қайта кўриб чиқилиб, зарур ўзгартиришлар киритилди. Вазирлиқнинг ўқув-усlubий идораси томонидан фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари магистратура ва бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режасидаги деярли барча фанлар бўйича меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ишлари амал-

га оширилди. Тиббиёт коллежалари учун янги ўқув режа ишлаб чиқилиб, 2005 йил сентябрдан ўқув жараёнига таътиб этилди.

Республика фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари томонидан вазирлиқнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашига тасдиқ учун келган 250-300 га яқин ўқув, ўқув-усlubий қўланмалар, тавсияномалар, маъруза матнлари чоп этилиб, талабаларга етказилди.

2005 йил апрелда Республика тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси комиссияси таркибида фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари талабалар ўйида ёшлар учун яратилган шароитлар, уларнинг санитария-гигиена талабаларга мувофиқ санитизация, талабалар билан олиб бо-

Тиббий таълимнинг
долзарб масалалари

риллаётган маънавий-маърифий ишлар, ўтказилаётган тадбирлар текширилди ва аниқланган камчиликлар юзасидан йиғилиш ўтказилиб, уларни бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилди.

Фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари ўқув жараёни ва услубий ишларни такомиллаштириш мақсадида, профессор-ўқитувчилар учун идора ходимлари томонидан «Олий ўқув юртлари бўлиналари ва профессор-ўқитувчилари лавозими вазибалари меъёрий ҳужжатларда», «Тиббиёт институтлари кафедраларида зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати», «Тиббиёт институтлари кафедраларида маърузалар, амалий машғулотлар, очик маъруза ва машғулотлар ўтказиш бўйича тавсиянома», «Янги авлод ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар» номи услубий қўланмалар тайёрланиб, чоп этилди ва ушбу қўланмалар билан тиббиёт институтлари таъминланди.

2005 йил май ойида тиббиёт коллежаларининг директорлари, ўқув ишлари, касбий таълим, маънавий ва маърифий ишлар бўйича муовин ва услубчилар учун «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг II босқич вазибаларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш» мавзусида Республика ўқув-усlubий семинари ўтказилди.

Семинарда ўқилган маърузалар бўйича услубий тавсияномалар чоп этилиб, барча тиббиёт коллежалари раҳбарларига тарқатилди.

Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида жойлашган тиббиёт коллежаларида «Таълим-тарбия жараёнининг уйғунлиқда олиб борилиш ҳолати» ўрганилиб, Бухоро, Қўқон ва Термиз тиббиёт коллежаларида Республика ўқув-усlubий кенгашининг минтақавий йиғилишида муҳокама қилинди ва зарурий тавсиялар берилди. Янги ташкил қилинган Шўрчи, Хўжайли, Қорақўл, 3-Нукус, Ҳўргўт ва Пастдарғом тиббиёт коллежаларида ўқув дастурлар, дарсликлар берилди ҳамда амалий-усlubий ёрдам кўрсатилди. 2005 йилги намунавий ўқув режанинг ўқув жараёнига таътиб этилишига оид «Тиббиёт

колежаларида ўқувчи мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» тўғрисида Низом ва «Фан кафедраларининг ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» бўйича услубий тавсиянома чоп этилиб, барча тиббиёт коллежаларига берилди.

Тиббиёт коллежаларидаги таълим-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида янада такомиллаштириш ва худудларда ўқув-усlubий ишларни бир тизимда олиб бориш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 12 июлдаги 331-сонли буйруғи билан 7 та худудий таянч тиббиёт коллежалари белгиланди:

* 1-Республика тиббиёт коллежи – Тошкент шаҳар тиббиёт коллежалари учун.

* Янгийўл тиббиёт коллежи – Тошкент ва Сидарё вилоятларидаги тиббиёт коллежалари учун.

* Қўқон тиббиёт коллежи – Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларидаги тиббиёт коллежалари учун.

* Самарқанд тиббиёт коллежи – Самарқанд ва Жиззах вилоятларидаги тиббиёт коллежалари учун.

* Бухоро тиббиёт коллежи – Бухоро ва Навоий вилоятларидаги тиббиёт коллежалари учун.

* Қарши тиббиёт коллежи – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги тиббиёт коллежалари учун.

* Урганч тиббиёт коллежи – Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тиббиёт коллежалари учун.

Вазирлиқнинг ўқув-усlubий идораси томонидан фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари, ҳамда коллежалари кутубхоналарини дарслик, шунингдек, ўқув қўланмалари билан таъминлаш ишлари доимий назорат қилинади ва мониторинг олиб борилади. Бугунги кунда фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари кутубхона фонди 2 миллион 200 мингдан зиёд адабиётни (шундан бир миллионга яқини дарсликлари), коллежаларнинг умумий китоб фонди эса 1.605.000 дона ташкил қилади.

Президент фармонида биноан 1-2 Тошкент Давлат тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилиши муносабати билан Ректорлар раёсатининг Низоми ва янги таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртлари Ректорлари раёсати раиси этиб, Тошкент тиббиёт академияси ректори, академик Ш. Каримов тайинланди. Шунингдек, тиббиёт коллежалари Директорлар раёсатининг ҳам янги таркиби тасдиқланди. Директорлар раёсатига 1-Республика тиббиёт коллежи директори М. Зияева раис этиб тайинланди.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номлангани ўтган йилнингизнинг ушбу давоми эканлиги олдидимизда турган улкан вазибаларни сидқиқилдан бажаришимизда бизни руҳлантиради. Шундай экан, жамоамиз билан ҳамжихатликда республикадаги фармацевтика ва тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда тиббиёт коллежаларининг ўқув-усlubий, маънавий-маърифий фаолиятини такомиллаштириш борасидаги муҳим ишларининг амалга оширишда бор куч-имкониятларимизни ишга соламиз.

ЎЗБЕКISTONDA
SOGLIQLI NI SAQLASH
ZDRAVOOXRANENIYE
UZBEKISTONIDA

Gazeta muassisi:
O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir vazifasini
bajaruvchi:
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV,
O. MUHITDINOVA, M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari),
B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV,
X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV,
M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV,
F. FUZAYLOV, N. SHARAPOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 7.900 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash» dan olinadi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma 1-353.

Gazeta «SHARO» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Tiron ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma tabloq. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushbu reklama va e'lon beruvchilar mas'uldur.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.